

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



2021 йил 6 январь кун
Тошкент шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ўн биринчи ялпи мажлиси
бўлиб ўтди.
Видеоконференцалоқа
тарзида ўтказилган
ялпи мажлисда ҳукумат
аъзолари, вазирлик ва
идоралар раҳбарлари ҳамда
оммавий ахборот воситалари
вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.
Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда “O‘zbekiston-24” ва “Uzreport” телеканаллари орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.
Сенат аъзолари томонидан 5 та масала, шу жумладан, 3 та қонун муҳокама қилинди.
Ялпи мажлисда сенаторлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.
Таъкидланганидек, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда бу йилги вазифалар тўғрисида атрафлича тўхталиб ўтди. Айниқса, 2020 йилда пандемия ва бошқа табиий офатлар сабабли юзага келган мураккаб шароитга қарамайдан, қатор халқаро ташкилотлар баҳосига кўра Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ижобий ўсишни сақлаб қолган камдан-кам давлатлар қаторида жой олгани аҳамиятга молик.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР



МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Балиқчи туманидаги “Антекс” корхонаси ана шундай ишлаб чиқариш объектлари сирасига қиради. Бу ерда пахта хом ашёсини қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, бир ойда 600 тонна пахта калава илга айлантдирилади.
— Хар қандай шароитда ҳам инсон саломатлигини асраш энг муҳим масала ҳисобланади, — дейди ип йигирувчи Мадинахон Саломова. — Тани сўхат кишигина унумли меҳнат қила олади. Корхонамида карантин қоидаларига қатъий амал қилиб, иш суръатини туширмай меҳнат қилаётганимиз муваффақиятга асос бўляпти. Асосийси, табибёт ходимлари томонидан саломатлигимиз назоратга олинган.
Айни пайтда корхонада 900 нафар ишчи меҳнат қилаётди. Улар томонидан тайёрланган 50 миллион АҚШ долларлик маҳсулот Россия, Хитой каби давлатларга экспорт қилинди.

Саминжон ҲУСАНОВ (‘Халқ сўзи’).

УРГАНЧДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛАДИ ВА ЕР ОСТИ ЙЎЛИ ҚУРИЛАДИ



Урганча замонавий ҳамда миллий меъморчилик ютуқларини ўзида уйғунлаштирган янги бинолар, кўча ва хиёбонлар барпо этилаётгани шахар кийфасини тубдан ўзгартирмоқда.

Бу жараёнда буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улардан мерос — мардлик ҳамда ватанпарварлик ҳислатларини ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Юртимиз доврўғини дунёга таратган, Ватан озодлиги йўлида жон-жаҳди билан курашган миллий қаҳрамонларимиздан бири, бу — Жалолиддин Мангуберди.
Буюк саркарданинг шафтли номи халқимиз қалбиде улуғланиб келмоқда. Мамлакатимизда кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилгани, “Жалолиддин Мангуберди” ордени тасвир

этилгани, 2003 йилда Хоразм вилояти “Жалолиддин Мангуберди” ордени билан мукофотлангани ҳам шундан далолат.
Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганч шаҳрида марказий майдон барпо этиш ва унда Жалолиддин Мангубердининг ҳайкалини ўрнатиш, шунингдек, бу ерда минг ўринга мўлжалланган замонавий санъат саройини куриш ташаббусини илгари сурганди. Қисқа фурсатда мажмуа курилиши учун жой танланиб, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди.

4

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

ҲАРБИЙ ҚИСМНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Юртимиз иқтисодиёти ва равнақида муҳим ўрин эгалловчи стратегик объектларни қўриқлаш, асраш ҳамда турли хавф-хатарлардан муҳофаза қилишда ҳарбий хизматчиларимиз мардлик ва жасорат намуналари кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, бундай муҳим вазифани Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлигига қарашли Қарши шаҳридаги ҳарбий қисм зобит ва аскарлари ҳам шараф билан адо этишляпти. Улар Қашқадарё ҳамда Бухоро вилоятларидаги элликлдан ортик ўта муҳим тоифаланган объектларни муҳофаза қилиб келишаётди.

Ватан ҳимоячилари кун

3

Марказий сайлов комиссиясида НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Комиссия аъзолари ҳамда ходимлари иштирок этган мажлис кун тартибидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) миссиясининг Ўзбекистонда 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловларни кузатиш натижалари юзасидан тавсиялари, Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йилнинг иккинчи ярмидаги фаолияти ажуналари ва 2021 йилнинг биринчи ярми учун иш режасига оид ҳамда комиссия фаолиятини янада такомиллаштиришга доир айрим низошлар лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалалар жой олди.

Мажлисда жаҳонни ўз заботига олган пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитга қарамайдан, Марказий сайлов комиссияси ўтган йили фаолиятини самарали давом эттиргани таъкидланди.

Жорий йилда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловни миллий қонунчилик ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида юқори даражада ташкиллаштиришга ҳозирдан алоҳида эътибор қаратмоқда.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УСТУВОР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Таълим ва тарбия — ёш авлод қамолотининг пойдевори ва давлатимиз тараққиётининг қафолоти” мавзўида фракциялараро амалий мулоқот ўтказилди.

Мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларимиз қалбиде она юртга садоқат ҳамда фидойилик туйғуларини қамол топтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Натижада кичик ёшдаги болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси тўрт йил давомида икки баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса уч баробар кўпайиб, 14 мингдан ошди. Ўтган йили олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилдагига нисбатан 2,5 баробар ўсди, ёшларимизнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди. Эҳтиёжманд

оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди. Соҳадаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрь кун Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида ислохотларни янада изчил давом эттириш белгиланди. Шундан келиб чиқиб, фракциялараро амалий мулоқотда Мурожаатномда белгиланган берилган таълим тизимидаги устувор вазифалар атрафлича муҳокама қилинди.

Қизгин кечган баҳс-мунозараларда парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг аъзолари ўз нуктаи назарини билдирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либе-

рал-демократик партияси фракцияси аъзолари партиянинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг таълим ва интеллектуал ривожланиш даражаси бўйича дунёда энг юқори рейтингга эга ўттизта давлат қаторидан жой олишини таъминлаш экани, таълим тизимида рақобат муҳити шаклланиши учун хусусий секторга кенг йўл очиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, соҳада давлат-хусусий шериклини янада ривожлантириш, қолаверса, ташаббускор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга субсидиялар ажратиш каби тақлифлар билдирди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари таълим ташкилотларида эркак педагоглар салмоғини кенгайтириш ва бу борада уларни қўшимча рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтди. Фракция аъзолари соғломлаштириш мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, ижтимоий кам таъминланган оила фарзандларини бошланғич синфларда бепул овқатлантириш тизимини жорий этиш тақлифини ҳам илгари сурдилар.

3

МУРОЖААТНОМА: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ



2021 йилда мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилади.

Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилади. Мактабгача таълим соҳасида хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 000 нафар ёки 6 ёшли болаларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода айтиш мумкинки, Мурожаатномада Президентимиз давлат ва жамиятни янада ривожлантириш билан боғлиқ энг асосий йўналишлар, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан, Олий Мажлис юқори палатасининг қатор устувор вазифаларини белгилаб берди.

Мурожаатномада келтирилган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериш, барча соҳада қонун устуворлигини, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг, айниқса, бюджет (республика ва маҳаллий) бажарилишининг жойларда сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича парламент томонидан самарали назорат ўрнатиш, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш асосий вазифалардан биридир.

Кайд этилганидек, мазкур вазифаларнинг жойлардаги ижроси Сенатнинг тегишли кўмиталари, қолаверса, ҳудудлардаги ҳар бир сенатор ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши керак.

Жумладан, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаш ҳамда Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш бўйича фаол иш олиб бориш зарур.

Шу билан бирга, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашуш ва ностандарт усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш, Сенатнинг тегишли кўмитаси ва Сенат девонининг масъул таркибий бўлинмалари билан биргаликда ушбу вазифани амалга ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш лозим.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпуси билан бирга аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни манзилли ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ.

Яна бир жиҳат. Мурожаатномада давлат харидлари соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ўз ўрнида, давлат харидлари устидан назоратни олиб боришда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаш, унинг фикрини инобатга олиш механизмларини жорий қилиш керак. Қолаверса, бу каби долзарб масалалар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ўзаро ҳамкорликини кучайтириш муҳим. Масъулларнинг ҳисоботларини эшитишда Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, мажлисда Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси парламент назоратини маҳаллий ва республика даражасида олиб бориши, жумладан, Жўқорги Кенгес ва Сенат Кенгашида эшитувлар ташкил этиш, парламент сўровларини юбориш, жойларда депутатлик ва сенаторлик ўрганишларини ташкил қилиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш, бу борадаги ўрганишлар ва таҳлилларни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Мажлисда таъкидланганидек, жорий йил-



да Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссияга раислик қилиш Сенатга ўтади. Шу боис комиссия фаолиятини янада кучайтириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Қолаверса, Сенатнинг тегишли кўмитаси мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратиши, долзарб вазифаларни белгилаб олиши тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Ўтган йилдан бошлаб халқроқ муносабатлар йўналишида Сенатда янги, яъни Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти жорий этилган эди. Шундан келиб чиқиб, биринчн навбатда, жорий йилда Ўзбекистоннинг Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликларидаги элчиларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитувини ташкил қилиш лозим. Ушбу мамлакатлар билан парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш, туризмни ривожлантиришга оид аниқ чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мурожаатномада маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир бир қатор масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилгани, қўллаб-қолатлар халқ вакилларида берилаётгани таъкидланди.

Шу боис маҳаллий Кенгашлар жорий йилда бугунги кунгача маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб бориш, маҳаллий бюджет ижросига масъулият билан ёндашиш, ҳар бир туман ва шаҳарда камбағалликни қисқартириш бўйича ишлаб чиқилган манзилли дастурнинг ижроси юзасидан ҳисоботини эшитиб, муҳокама қилиб бориш, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” бўйича чора-тадбирлар дастурларининг ижросига жиддий эътибор қаратиш, ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуд аҳолиси, сайловчилари билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиши, муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиши зарурлигига тўхталиб ўтилди.

Яна бир жиҳат. Мурожаатномада Сенат Раиси раҳбарлигида Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини

ташкил этиш лозимлиги белгилангани, мазкур кенгаш мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратишга масъул бўлиши, кенгашнинг асосий вазифаси жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини пухта ўрганиш, хотин-қизларни қийнаётган қўллаб-қўйиш иқтисодий муаммоларга амалий ечим топиш, уларни “темир дафтар” ва “аёллар дафтари”дан чиқаришга кўмак бериши билдирилди.

Сенатнинг масъул кўмитаси мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, жумладан, кенгашнинг низоми, вазифалари, ишлаш тартиби ва иш режалари шакллантирилишини мувофиқлаштириб бориши лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Сенатнинг Ҳарақатлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Шу маънода, Сенат Раиси ўринбосари раҳбарлигида Ишчи гуруҳ тузилиб, Ҳарақатлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиши кераклиги билдирилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Сенат аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Кайд этилганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутушини эътиборга олган ҳолда сўнгги тўрт йилда суд-ҳуққ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Суд-ҳуққ соҳасида йиллар давомида ечим топмаган муаммолар масалаларини ҳал қилиш борасида Президентимизнинг ўндан ортиқ Фармон ва қарорлари ҳамда парламент томонидан одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган

учта кодекс янгидан қабул қилиниб, қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Кайд этиш жоизки, мазкур қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуққ ислохотларининг мантикий давомидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуққ ислохотларининг янги босқичини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонунга асосан суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини қайта қўриб чиқиш тартибини илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб:

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умуумюрисдикция судларини ташкил этиш;

маъмурий тартиб-таомиллар ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни қўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тутатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши назарда тутилган.

Шуларга асосан суд тизимида ташқилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганилигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суд тизимини бошқариш масалаларининг такомиллаштирилиши, вилоят ва унга тенглаштирилган судларни ташкиллий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга эришиш билан бир қаторда, энг аввало, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам бериб, уларнинг муаммоси бир жойда ҳал қилинишига имкон беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларининг барқарорлигини таъминлаш ва кучайтириш, инвестиция ва замонавий технологияларнинг жалб қилиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасидаги

ишлар ҳолатини ўрганиш ушбу соҳада ислохотларни жадал амалга оширишга ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришда муаммолар борлигини кўрсатди.

Кайд этиш жоизки, ушбу муаммолар қурилиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигига тўқсунлиқ қилмоқда.

Шу боис “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун ишлаб чиқилган.

Шаҳарсозлик кодексига “аҳоли пункти”, “шаҳар”, “шаҳарча” ва “қишлоқ (овул)” объектлари турлари, “ўзбошимчилик билан қурилиш қилиш”, “урбанизация” тушунчалари, шаҳарсозлик фаолиятида фуқаролар иштироки ва бошқа ибораларга тушунчалар берилмоқда.

Шунингдек, Кодексда норматив-техник ҳужжатларни жорий этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича янги нормалар мустаҳкамланмоқда. Яъни:

- шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамасида жамоатчилик назоратини таъминлаш;
- юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланишининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган янги норма;
- пудрат учун давлат шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби ва пудрат ишлари қатъий шартнома асосида амалга оширилиши;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги кўрсатилган.

Ўз ўрнида, мазкур Кодексда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига қўйилган талаблар акс эттирилиб, уларга асосан шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти, суғурталаш ва шафторфликни таъминлаш, шу жумладан, қурилишда суғурталаш, шунингдек, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик белгиланди.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, мазкур нормаларнинг белгиланиши соҳада бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда шаҳар чегараларини аниқлашнинг янги қонуний асосларини яратди.

Хусусан, шаҳарсозлик нормалари ва қонунлари ишлаб чиқилишининг тартиби, моддатлари ва уларнинг йўналишлари белгиланиши, рақобатни ривожлантириш орқали инвестиция муҳити яхшиланиши, шаҳарсозлик соҳасида жамоатчиликнинг кенг иштироки, атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳолининг соғлиғини асраш, яшаш ва фаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини белгилашга имкон яратиши таъминланади.

Энг асосийси, жамият ва давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш ва ҳимоя қилиш механизми яратилди. Аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини кўтариш имконияти вуқудга келди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мазкур Кодекс қурилиш фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган.

Сенат аъзолари ушбу қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунга қадар маданият соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб қилиниши тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва қарорлари, қолаверса, бошқа қўллаб қонуноти ҳужжатлари билан тартибга солиб келинаётган эди.

Маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ихдоркорларни иқтимоий ҳимоя қилишга қаратилган янги ҳуқуқий база яратилмагани турли эътирозларга сабаб бўлаётганди. “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиршга хизмат қилди.

Қонунда маданият соҳасида давлат сиёсатининг мақсади ва асосий устувор йўналишларини белгилаш, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини аниқлаш ва уларнинг ваколатларини белгилаш, истеъдод эгалари ва маданият муассасаларининг ҳуқуқий мақоми белгилаш, маданият ташкилотларининг давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини такомиллаштириш, маданият тармоқларининг рақобатдорлигини ошириш ва бошқа қатор муҳим масалалар қамраб олинмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, “Ўзбекистон” Миллий агентлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариши амалга оширувчи органлар сифатида кўрсатилиб, уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши маданият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширади ҳамда халқроқ ҳуқуқ нормалари миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинишини таъминлайди.

Шунингдек, халқроқ майдонда Ўзбекистон Республикасининг имижини ошириш билан бир қаторда, халқлар ва минтақалар ўртасидаги маданий алоқаларининг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишчи яқунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛДИК

Кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг онлайн тартибда бўлиб ўтган ўн биринчи ялпи мажлисида бир қатор долзарб масалалар қўриб чиқилди ва асосий эътибор

■ Муносабат



— Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган масалаларнинг аксарияти айнан бизнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилган бизни ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият билан ишлашга ўндайди.

Шухрат ЧўЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари:

— Охирги йиллар давомида қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар тармоққа оид қонунчиликни қайтадан қўриб чиқишни такзоэ этди, яъни амалдаги Кодекс қурилиш соҳасида рўй бераётган жараёнларни ва илмий-техник ривожланишни тўлиқ қамраб ололмаётганилиги яққол намоён бўлди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан қизгин муҳокама қилинган Шаҳарсозлик кодекси ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Кодексда шаҳарсозлик фаолиятининг асосий принциплари алоҳида моддада Ўз аксини топган бўлиб, ушбу принциплар аҳоли



пунктларининг комплекс ва барқарор ривожланишини таъминлаш, қурилишга рўхсат бериш жараёни ошқоралиги ҳамда очиклигини таъминлаш каби масалаларга

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифаларни аниқлаштириб олишга қаратилди. Шу билан бирга, ялпи мажлис кун тартибига киритилган бир қатор қонунлар қўриб чиқилди.

Муҳбиримиз шулар сунда сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси:

Шу ўринда бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ўтган Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилининг мантикий ва узвий давоми бўлди. Чунки ёшлик айнан илму ҳунар ўрганадиган давр.

Ёшларнинг интеллектуал ва жисмоний қамолотини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш, ҳудудлардаги ислохотларнинг сифат ва самарадорлиги устидан доимий парламент назоратини олиб бориш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Хабарингиз бор, Президентимиз Ёшлар форумидаги урашушда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 мил-

Юналтирилган. Муҳими, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича янги моддалар киритилиб, мазкур моддаларда экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, жумладан, ҳар бир эксперт берган хулосаси юзасидан қонун олдида жавоб бериши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қурилишни назорат қилиш борасида янги нормалар киритилган бўлиб, улар билан қурилиш назорати турлари, қурилишнинг давлат томонидан назорат қилувчи инспекциялар, техник, муаллифлик ва ички назорат ваколатлари белгиланмоқда ҳамда соҳада суғурталашни жорий

йўналтирилган. Муҳими, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича янги моддалар киритилиб, мазкур моддаларда экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, жумладан, ҳар бир эксперт берган хулосаси юзасидан қонун олдида жавоб бериши белгиланмоқда.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси:

— Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг қўлмал ислохотлар амалга оширилаётганилиги, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, кўмитамизнинг Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Маълумки, жорий йилда мактабга таълим ва тарбиянинг давлат стандарти йўлга қўйилди. Шу муносабат билан жойларда мактабга таълим ташкилотларида таълим ва тарбия сифатини ошириш бўйича маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигида фаолиятимизни ташкил этиш — кўмитамизнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси:

— Сўнгги тўрт йилда суд-ҳуқуқ соҳасида йиллар давомида ечим топмаган муаммолар масалаларини ҳал қилиш борасида Президентнинг ўндан ортиқ Фармон ва қарорлари ҳамда парламент томонидан одил судлов сифати ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган учта кодекс янгидан қабул қилиниб, қатор қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ялпи мажлисда муҳокама қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давомидир. Қонунга асосан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини қайта қўриб чиқиш тартибини илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил



Мурожаатномасида мактабда ўқувчиларни таҳлилий ва креатив фикрлашга ўргатиш зарурлиги, бунинг учун шунга мос равишда тушунарли ва сермазмун дарсликлар яратиш кераклиги алоҳида айтилди.

Бу йўналишда жорий йилда таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илгор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури”ни татбиқ этиш режалаштирилди. Шунингдек, бошқа тумандаги олис мактабга бориб дарс берадиган ўқитувчилар оилигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа — 100 фоиз устама ҳақ тўлашни кўзда тутилмоқда.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, жойларда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳолатини депутатлар билан ҳамкорликда ўрганиши, шунингдек, Халқ таълими вазирли-



судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсад қилинмоқда. Унга кўра, эндиликда суд тизимида вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ҳамда иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатла-

ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲАМКОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси нафақат жамиятимизнинг сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ва янгилаНИшлар ҳақида, балки иқтисодий ислохотларнинг ҳам муҳим дастуриламали бўлди. Бойси мазкур ҳужжат юртимизда кечаётган иқтисодий чора-тадбирлар истиқболи, асосий йўналишлари борасида ҳам батафсил маълумот бериши билан аҳамиятлидир.

Мушоҳада



Айниқса, ҳозирги кунда халқимиз учун муҳим бўлган саволлардан бири, бу, Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи билан боғлиқ. Мурожаатномада Президентимиз томонидан мамлакатимиз зиммасидаги ташқи давлат қарзи — Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланиши айтилди. Шу билан бирга, эндиликда ташқи қарз ҳисобидаги ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар бундан бунён маҳалли Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши алоҳида таъкидланди. Эндиликда уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилди.

Энг муҳими, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Бу юртимизда кенг қўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига айнан ўзимизнинг ишбилармонларимиз, тадбиркорларимиз фаол жалб этилади, дегани. Улар учун янгидан-янги имтиёзлар ва рағбатлар берилиб, давлат-хусусий шериклик асосидаги бизнес янада ривожлантирилади. Пировадидида бундан, албатта, ўзимизнинг одамларимиз, халқимиз ютади. Узоқ ҳудудларда янги иш ўринлари очилади, одамларимиз учун мунтазам даромад манбалари яратилади.

Ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан яна бири, бу — улар ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, аҳоли пунктларидан пойтахтга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кечиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратиш хусусида ҳам Мурожаатномада аниқ мақсадлар қўйилди. Бу соҳа ҳам давлат ва хусусий шерикликини ривожлантиришда энг истиқболли йўналишлардан саналади.

Шу мақсадда Хукуматга жорий йил 1 мартдан бошлаб ички туризм йўналишларидаги авиақатновларни йўлга қўйиш ва авиачипта нарҳининг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш тизимини жо-

Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

100 ЎРИНЛИ БОҒЧА ОЧИЛДИ

Фориш туманининг “Учма” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида янги 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

— Узулқуш таълимнинг бошланғич бўғини ҳисобланган мазкур муассасанинг иш бошлаши билан маҳалладаги аҳоли фарзандлари, яъни мактабгача ёшдаги болаларнинг қамрови 15 фоизга ошди, — дейди Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нуриддин Эргашев. — Галдаги вазирамиз ҳамоннинг бошқа маҳаллаларида ҳам тадбиркорлар билан ҳамкорликда замонавий қўринишдаги, инновацион имкониятларга эга мактабгача таълим муассасаларини қуриб, фойдаланишга топширишдан иборат.

Таъкидлаш керакики, айни вақтда туманда ўн учта давлат, бешта давлат-хусусий шериклик асосида, 56 та оилавий нодавлат ҳамда қирққа яқин қисқа муддатли мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5 минг 300 нафар бола тарбияланаётир, туман бўйича эса уларнинг қамрови 72 фоизни ташкил этмоқда.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

НАВҚИРОН АВЛЮД ТАРБИЯСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида Юртбошимиз томонидан Олий Мажлисга Мурожаатнома ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ёшлар тарбиясига масъул ўрта бўғин раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиғи томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилган семинарда Президентимиз томонидан навқирон авлоднинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Жумладан, “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ишсиз ва уюлмаган йигит-қизлар касб-хунар тадбиркорликка ўқитилмоқда. “Устоз — шоғирд” анъанаси асосида уларга хунар ўргатиш, ижтимоий ғимояга муҳтож ёшлар қатлами билан самарали ишлаш механизми йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 13 октябр-

ТЕЛЕМЕДИЦИНА У ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА?

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган галдаги Мурожаатномасида тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш масалалари бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Фикр

Шулардан келиб чиқиб, соҳада рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади, барча тиббиёт муассасасида масофавий хизматларни қўлайтириш, поликлиника ва шифохоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари қўрилади. Республика иختисослаштирилган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина

йўлга қўйилиб, диагностика ҳамда даволаш учун жойлардаги имкониётлар янада кенгайтирилиши зарурлиги таъкидланди.

Хўш, телемедицина нима беради? Энг аввало, мамлакат пойтахтидаги малакали шифокорлар ва дунё тиббиёт муассасаларидаги мутахассислар билан реал вақт оралигида боғланиб, онлайн қўриқдан ўтиш, те-

рапевтик даво маслаҳатларини олиш имконини беради. Яъни бемор билан шифокор ўртасидаги масофа аҳамиятли бўлмайди.

Республика илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳудудлардаги филиаллари билан телемедицина тизими орқали онлайн маслаҳатлаштиришларни йўлга қўйиши мумкин бўлади. Ташхис бамаслаҳат қўйилса, беморни тўғри ва самарали даволаш имкониятлари ошади. Натижада беморлар тезроқ соғлом ҳаётга қайтади.

Аҳолининг катта қисми иختисослаштирилган шифохоналарда давола-нишга иқтисодий-молиявий имконият тополмайди. Телемедицина тизимида

онлайн маслаҳатлаштиш йўлга қўйилиш натижасида етук шифокорлар, профессорлар билан онлайн мулоқотда бўлишга шaroит яратилади. Бу ҳам беморнинг, ҳам мутахассис-шифокорларнинг вақтини, шу билан бирга, маблағни тежашга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан қараганда, пандемия даврида тиббиёт бир поғона юқори-га қўтарилди, десак бўлади. Бу борадаги тажрибани, амалий қўникмаларни янада ривожлантириш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида аниқ стратегия ишлаб чиқиши зарур, деб ўйлайман.

Қайси ҳудудда, қайси туман-шаҳарда, қайси муассасада қайси йўна-

лишлар бўйича қачон онлайн маслаҳатлар ўтказилиши ҳақида режа белгилаб, уларни амалга ошириш жараёндаридан хабардор бўлиб, бу ҳақда сайловчиларнинг хабардорлик даражасини ўрганиб боришимиз зарур.

Инновацион телемедицина изчил йўлга қўйилса, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши кенгайди, олис ҳудудларда яшовчи фуқароларимизнинг илгор тиббий хизматлардан баҳраманд бўлишга замин яратди.

Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Афғонистон Ислам Республикаси Жамоат саломатлигини сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари ва шифокорларидан иборат делегация юртимизда бўлиб турибди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Ҳожибоев Афғонистон Ислам Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва муқтор элчиси Аҳмад Халид Элмий ва делегация аъзоларини қабул қилди.

Мулоқот давомида таъкидланганидек, 2017 йилнинг декабрь ойида Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга ташрифи давомида икки давлат ўртасида узоқ муддатли истиқболда ҳамкорликини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган эди.

Шунингдек, ушбу ташриф доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ва Афғонистон Жамоат саломатлигини сақлаш вазирлиғи ўртасида англашув меморандуми ҳам имзоланганди.

2018 йилда давлатимиз томонидан Афғонистон “Тез ёрдам” хизмати учун 5,7 миллион доллар қийматидаги 100 дондан ортиқ автомобиллар етказиб берилди. Шу йили Тошкент давлат стоматология институтини ва Қобул тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Ҳозир афғонистонлик талабалар Тошкент давлат стоматология ҳамда Андижон давлат тиббиёт институтларида таҳсил олмақда.

Шунингдек, афғонистонлик шифокорлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Сурхондарё вилояти қўр тarmok-ли тиббиёт маркази ҳамда шo-шиличин тиббий ёрдам хизмати тизимида малака оширмоқда.

Икки давлат ўртасида фармацевтика тармоғини ривожлантириш соҳасида ҳам қатор ҳамкорлик дастурлари амалга

ошириб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда Ўзбек — афғон ишбилармонлар форуми ва семинари ўтказилди. Афғонистонда Ўзбекистоннинг фармацевтика ва тиббиёт маҳсулотлари ва тиббий техникасини экспорт қилиш учун Ўзбек — афғон савдо йўлини очиш борасида ишлар олиб боришмоқда. 2020 йил давомида юртимизнинг фармацевтика тармоғи қорқоналар томонидан 2,4 миллион доллар қийматидаги маҳсулотлар Афғонистонга экспорт қилинган.

Мулоқот давомида Аҳмад Халид Элмий Ўзбекистон қоронавирус инфекциясини тарқатишининг олдини олиш, уни даволаш соҳасида катта тажриба тўплагани, ушбу тажрибани ўрганиш ва ўз давлатида татбиқ қилиш афғонистонлик шифокорларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Абдуҳаким Ҳожибоев икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш, ривожлантириш ва зарур бўлган амалий кўмакни беришга тайёр эканлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз: делегациянинг юртимизга келишидан мақсад қоронавирус инфекциясини профилактикаси, унинг тарқалишининг олдини олиш, диагностикаси ва даволашини Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш, COVID-19ни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш бўйича шифокорларнинг амалий қўникмалари ва малакасини оширишдан иборатдир. Ўн кун давомида 20 нафар афғонистонлик мутахассисдан иборат делегация улар учун махсус ташкил қилинган ўқув машғулотларида иштирок этади.

Ў.А.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Бунда ўтган сайловларда тўпланган миллий тажриба ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбۇл тавсияларни миллий сайлов қонунчилиғи ва амалиётига татбиқ этиш ишлари муҳим ўрин тутади.

ЕХТД Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг “Янги Ўзбекистон — янги сайлов” ишiori остида ўтган парламент сайловларини кузатган тўлақонли миссиясининг яқини ҳисоботида мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги қатор ижобий ўзгаришлар эътироф этилган. Жумладан, сайловлар такомиллашган қонунчилик асосида ўтказилгани ва мустақил, очиқ фикрларга нисбатан эркин қараш муҳити ошгани алоҳида таъкидланган. Бу борадаги ишларни собитқадамлик билан давом эттириш бўйича тавсиялар берилган.

Марказий сайлов комиссияси қарори билан ақуний ҳисоботда билдирилган тавсияларни атрофлича ўрганиш ва мақбулларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти ва Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот хизмати тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича қарори қабул қилинди. Ҳуж-

жатга мувофиқ, Матбуот хизмати Марказий сайлов комиссияси Раисига бевосита бўйсунадиган алоҳида мустақил бўлим сифатида фаолият юритади. Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, Марказий сайлов комиссияси фаолиятида очиклик ва шаффофлиқни таъминлашда Матбуот хизмати Котибият билан яқиндан ҳамкорлиқни амалга ошириши лозим.

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси — Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журнали тўғрисидаги низом ҳамда унинг тахрир ҳайъати таркиби тасдиқланди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг идоравий архивига оид, ҳужжатларнинг қийматини аниқлаш ва уларни доимий сақловга топшириш бўйича эксперт комиссиясига доир низоомлар ҳам тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йилнинг иккинчи ярмидаги фаолияти натижалари батафсил таҳлил этилиб, 2021 йилнинг биринчи ярми учун иш режаси тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УСТУВОР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари эса таълим сифатини янада ошириш мақсадида ўқув дарсликлари ҳамда ўқитувчилар учун методик қўланмаларни қайта қўриб чиқиш, болаларнинг тахлийий ва креатив фикрлаши учун дарсликлар яратиш, бошланғич синфларда давлат таълим стандартлари ўрнига миллий ўқув дастурларини жорий этиш заруратиға эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан ўқитувчи ва муаллимларнинг

ҳаётимиздаги нуфузи ҳамда мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилаш таклиф этилди. Шунингдек, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ҳамда келгусида 3 — 6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан мажбурий қамраб олиш, мактабгача таълим ташкилотларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш масалалари илгари сўрилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари мактаб ўқитув-

чилари ҳамда ўқувчилари учун очиқ мулоқот қиладиган, фикр алмашадиган, ҳеч қандай рўйхатга олишларсиз маълумот олиш мумкин бўлган ягона портал яратиш таклифини билдирди.

Фракциялар ва депутатларнинг фикр-мулоҳазалари асосида таълим-тарбия соҳасида қонун ижодкорлиғи ҳамда назорат-тахлил фаолиятини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни Давлат дастурига киритиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳамда вазифалар белгилаб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАРБИЙ ҚИСМНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Рамзий калитни Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондони Журъат Ёкубов қисм командири Нодир Авазовга тантанали тарзда топширди. Шундан сўнг рамзий лента кесилиб, йиғилганлар янги бинода яратилган

шароитлар билан танишди. Айтиш жоизки, икки қаватли мазкур бинода ҳарбийларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шaroит яратилган. Дам олиш хонаси, кутубхона ва бошқа қулайликларга эга.

Шу кунни байрам муносаба-

ти билан тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Мудофaa вазирлиғи томонидан ҳарбий қисмга хизмат автомобиллари топширилди. Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонининг буйруғига асосан, бир қатор ҳарбий хизматчилар қимматбаҳо

Фахридин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЁШЛАРГА АРМИЯМИЗ САЛОҲИЯТИ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРИЛДИ

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Фарғона вилояти ёшлари ўртасида “Вилоятдаги тенгдошим” деб номланган учрашув бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказилган учрашувда Шимоли-Фарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Фарҳоджон Шерматов ҳамда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Лутфулло Бузруков, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, унинг-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида билимли, иймон-иродалар, мардлик ва фидойилик фазилатларини намоян этишга қодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтисаодатли бўлишини орзу қилади. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол, билимли ҳамда маърифатли бўлиб voyа-га етиши учун катта эътибор берилмоқда. Жумладан, ёш авлоднинг боғча, мактаб ва олий ўқув юртиларида сифатли таълим-тарбия олиши, жисмоний ҳамда маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имконияти сафарбар этилмоқда.

Фарзандларимизни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик қўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш, ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ҳамда уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият бериляпти.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари тадбирда шулар ҳақида сўз юритди. Шунингдек, ёш авлодга миллий армиямиз яратилиш тарихи ва истиқболлари, Ватан ғимоячилари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар, ҳарбий



хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари белгиланган имтиёзлар ҳақида сўзлаб берди.

— Азиз ёшлар, бугунги фаровон ва тинч замонда сизларга берилаётган эътибор ҳамда имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз билимингизни мустаҳкамлаб борсангиз, қайси соҳа эгаси бўлишдан қатъи назар, жонажон юртимизнинг келажагига муносиб ҳисса қўшадиган шахс бўлсангиз, биз ҳарбийлар асосий мақсадимизга эришган бўламиз, — деди полковник Фарҳоджон Шерматов. — Юртимизнинг эртанги кунини, тинчлиги ёшларнинг қандай инсон бўлиб қамол топишига боғлиқ. Демак, ҳар биримизнинг вазифамиз — ёшларга ўз

салоҳияти ва ватанпарварлигини намоян қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

Тадбирда қорақалпоғистонлик ёшлар фарғоналик тенгдошлари билан онлайн мулоқот қилди. Янграган қуй-қўшиқлар, шеър урбуйлар барчага хушайфият бағишлади. Фаол ёшлар қўмондонлар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Тадбирдан сўнг ёшлар учун Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирига экскурсия ташкил этилди. Қудратли ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, ҳарбий хизматчиларнинг кўрғазмали чиқишлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Темур НАРЗИЕВ
(«Халқ сўзи»).

даги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, ёшларга имтиёзли фойзаларда микрокредитлар ажратилляпти.

Семинарда бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимиз бўйлаб ёшлар кичик саноат зоналарини ташкил этиш, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшларга субсидия ва грантлар ажратиш тартиби, “Лойиҳалар фабрикаси”нинг аҳамияти, ёшлар дастурлари ижросини мониторинг қилиш бўйича yoshlar@argos.uz платформасини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда “Ёшлар мурожаати” электрон

платформасини яратиш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 300 минг нафар ёшни дастурлаш асосларига бепул ўқитиш, олий ўқув юртиларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар йигит-қиз учун Президент грантини ташкил этиш, магистратура ва докторантура тадқиқотчиларига қабул квоталарини ҳамадан маданий-санъат йўналишларига ҳар бир тумандан 5 нафар ёшни ўқушга қабул қилиш, умумтаълим мактабларида ёшлар етакчилари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мактаб инфратузилмасини самарали ташкил этиш мавзуларида маърузалар қилинди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ГЛОБАЛ БОЗОР ТАРТИБОТИ: ДУНЁНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, 2020 йилги синовларга қарамай, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида шу ҳақда тўхталар экан, Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари — “GSP+” тизимини татбиқ этиш бўйича муҳим қадамлар ташлангани ва ушбу тизим келгусида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беришини мамнуният билан таъкидлади. Қолаверса, 2020 йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларида чиқиш имкониятлари янада яхшиланиб, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилиши ҳам катта ютуқларимиздан биридир.

Нуктаи назар

Бу эса жаҳон ҳамжамияти, хусусан, глобаллашган бозор маконида ўз ўрнини топаётганимизни аёнлатади. Аммо ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Чунончи, биринчи навбатда, кўлга киритган муваффақиятларимизни мустаҳкамлашимиз зарур. Бунинг учун эса тадбиркорларимиз глобаллашган бозорда бизнес билан шугулланиш қоидалари, ташқи савдонинг ташкил этишининг ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрларни пухта билишлари лозим.

Куйида буларнинг энг муҳимлари хусусида тўхталамиз.

Келажакни белгиланган музокаралар

Дунёни ким бошқаради? Бу жумбоқ ечимига доир турфа қарашлар бор. Масалан, баъзи назариялар тарафдорлари дунёнинг ҳилови оқсунлардан иборат махфий ғуруҳлар ва яширин ташкилотлар қўлида, деб ҳисоблашади. Ҳатто илм-фан юксак даражада ривожланган XXI асрда ҳам бундай қараш эгалари талайгина. Конспиратив назарийчилар ана шу каби ташкилотлар қаторига “Бреттон-Вудс”ни қиратишади. Аслида эса бу ташкилот яширин эмас, балки машҳур иқтисодчи олимлар, сиёсатчилар ва ишбилармонлардан таркиб топган.

“Бреттон-Вудс” 1944 йили АҚШнинг Нью-Гэмпшир штатидаги Бреттон-Вудс шаҳрида фаолият бошлаган. Уша давр сиёсатчиларнинг узоқ келажакни кўра олганига тан бермасликнинг илоҳи йўқ. Улар Бреттон-Вудс конференциясида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги глобал дунё тартиботини шакллантириш ҳақида музокара олиб борган.

Ушбу музокаралар “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг” валюта-молия конференциясини” номи билан тарихга кирган. Конференцияда уруш якунига етиши билан ўрнатилиши лозим бўлган глобал сиёсий ва иқтисодий дунё тартиботи ишлаб чиқилган.

Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки сингари ташкилотларга айнан Бреттон-Вудс конференциясида асос солинган.

Шунингдек, Халқаро савдо ташкилотини тузиш тақлифи ҳам шу йилнингда ўртага ташланган, ҳатто Низоми ишлаб чиқилган. Бироқ ҳужжат АҚШ Конгресси тасдиқдан ўтмагани боис 1947 йилда Иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодиётни тиклаш мақсадида “Тарифлар ва Савдо бўйича Бош Битим” (ГАТТ) тузилган. Бу Битим асосида халқаро савдодаги тўсиқларни камайтириш кўзда тутилган. Қолаверса, Жаҳон банкини ташкил этиш мўлжалланган, бироқ қелишув тасдиқланмаган.

Халқаро савдодаги низола қандай ҳал этилади?

1995 йилга келиб “Тарифлар ва Савдо бўйича Бош Битим”нинг навбатдаги натижаси юзга чиқди — Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ту-

зилди. Унинг зиммасига халқаро савдонинг эркинлаштириш, савдо ва сиёсий муносабатларни тартибга солиш вазифаси юклатилди.

Ўз навбатида, ЖСТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида киритилди. Ушбу ташкилот ҳозир ҳам жаҳон савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш йўли билан давлатлар савдо сиёсатида таъсир кўрсатиб келмоқда. Бинобарин, у савдо муносабатларини қатъий тартиб-қоидага солишга қаратилган музокаралар ўтказиш, давлатлараро савдода юзга чиқа-диган низоларни ва бошқа масалаларни ҳал қилиш билан шугулланиб келаётир.

Жаҳон савдо ташкилоти ушбу тузилмага аъзо мамлакатларнинг ишончли ҳимоячиси ҳамдир. Бунинг учун у бож имтиёзлари бериш, зарур ҳолларда санкциялар қўллаш амалиётини фойдаланади. Шу аснода аъзо мамлакатлар ЖСТ талабларини бажариш баробарида, ташкилотнинг бошқа аъзоларига савдода имкон қадар қулайлик яратиш режими қўллабди, ўз ички бозорини чет эл корпорациялари учун очиш мажбуриятини олади.

Айни пайтда Жаҳон савдо ташкилотига 133 мамлакат тўла ҳуқуқли аъзо. Ўттиз мамлакат, жумладан, Ўзбекистон, Россия, Қозғистон кузатувчи мақомига эга.

«Олтин стандарти» негараббод бўлди?

Давлатлар иқтисодий қудратини ифодалашда қандай ўлчов брилигидан фойдаланамиз? Албатта, олтин-валюта захирасидан!

Шу ўринда бу мезон қачон ва қай тартибда расман амалиётга киритилган, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Қарангки, олтиннинг стандарт сифатида халқаро савдо тизимида киритилиши ҳам Бреттон-Вудс билан боғлиқ!

Аваллига, ушбу стандартни ишлаб чиқиш учун АҚШ ва Буюк Британия давлоғарлик қилган. Масала АҚШ фойдасига ҳал бўлган, у халқаро савдода ҳисоб юритиш учун олтин билан таъминланган доллар эмиссия қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ва долларни бошқа мамлакатларга олтин эвазига сотиш ҳуқуқини кўлга киритган. Яъни АҚШ долларини олтувчи мамлакатлардан валютани қабул қилиб, улар истоган вақтда олтинларни қайтариб беришга ваъда қилган.

Аммо вақт ўтиши билан глобал иқтисодий тартиботига бир неча ўзгаришлар киритилган. Масалан, дастлабки 1948 йилда, яъни Фарб мамлакатлари Совет Иттифоқига қарши турли санкциялар қиритиб, унга қарши иқтисодий уруш сиёсатини қўллаб, “совуқ уруш” бошланганда!

Иккинчи ўзгариш 1971 йили олтин-доллар стандарти барбод бўлиб, бекор қилинганда амалга оширилган. Бунинг сабаби шундай: Франция Президенти генерал Де Голл Америкадан сотиб олган долларларни кемага ортиб, Нью-Йоркка олиб келган ва олтинларни қайтариб беришни талаб



қилган. Унинг талабини қондирмасликнинг илоҳи йўқ эди. Шундан кейин АҚШ долларларини қайтариб олишни бекор қилган, бу стандарт “яшашга” қодир бўлмай қолди. Чунки АҚШдан ташқаридаги доллар захиралари мамлакатдаги олтин захиралари микдоридан анча ошиб кетган эди...

«G6»дан «G20»гача...

Глобал дунё тартиботидаги энг муҳим ўзгаришлар “совуқ уруш” охирида юз берди. Барчамизга аёнки, ўтган асрнинг 80 — 90-йилларида дунё драматик эврилишни бошдан кечирди. Мустамлакачилик тизими емирилди, диктаторлик режими рабарҳам тоғди, Совет Иттифоқи ўрнида 15 мустақил давлат тузилди, “совуқ уруш” тугади, Варшава шартномаси ташкилоти тугатилди. БМТга 1945 йили 44 мамлакат аъзо бўлган бўлса, 2011 йилда улар сони 193 га етди.

Шу тариқа 1944 йилда таъсис этилган глобал дунё тартиботи, унинг муассасалари XXI асрнинг иқтисодий, бизнес ва сиёсий воқеигоҳига мос келмай қолди. Ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатлар ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи кўп миллатли институтлар имкониятларини кенгайтирди ва тезлаштирди.

Дунё мамлакатлари таснифига кўра, бугунги кунда дунёда фақат битта буюк мамлакат бор. Бу — Америка Қўшма Штатлари!

Келгусида бошқа буюк мамлакатлар пайдо бўлиши АҚШ устуңлигига пугур етказиши аниқ. Натижада унинг минтақадаги ва халқаро тузилмалардаги устуңлиги емирилиб бораверади. Шундай экан, бир кутбни глобал дунё тартиботи 2025 — 2030 йилларгача амал қилиши мумкин. Уша вақтга бориб бир ёки бир неча минтақавий буюк мамлакатлар, масалан, Хитой ва Россия АҚШ билан рақобатлаша оладиган даражага етиши эҳтимоли катта.

Ўтган асрнинг 70-йили аввалида юз берган иқтисодий инқироз туфайли АҚШ, Фарбий Европа, Япония ўртасида муносабатлар тараңлашуви санаоти юксак даражада ривожланган мамлакатлар раҳбарлари учрашувига зарурат туғдириди. 1975 йилда Франция Президенти Вальери Жискар д’Эстен ташаббуси билан Рамбуйе саройида олти мамлакат — Франция, АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Италия, Япония раҳбарлари иштирокида мамлакатлараро савдо соҳасида тажовуз қилмаслик ва янги таҳкирловчи тўсиқлар қўймаслик ҳақида декларация қабул қилинди. Бу мамлакатлар ғуруҳи “G 6” (“Катта олтилик”) деб номланди. 1976 йилда эса

“G 6” ўз сафига Канадани қўшиб, “G 7”га, 1991 — 2002 йилларда Россия ҳисобига “G 8”га айланди. Бироқ 2014 йилда “Катта саккизлик”дан Россия четлатилиши ҳисобига яна “G 7” деб атала бошланди.

Яна бир шундай тузилма “G 20” (“Катта йигирмалик”)дир. У 1990 йил охирида юз берган Осиё молиявий инқирозига жавобан тузилган. Яъни Осиё мамлакатларида бошланган молиявий таназзулга Фарб давлатларининг муносабатларини муҳокама қилиш учун “G 8” ғуруҳи молия вазирлари Хитой ва Ҳиндистон каби йирик давлатлар ҳисобига ғуруҳни кенгайтириш тақлифини ўртага ташлашган ва натижада “Катта йигирмалик”ка асос солинган.

“G 20” иқтисодиёти юксак ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари ва марказий банклари раҳбарлари клубидир. Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 85 фоизи, жаҳон савдосининг 75 фоизи, дунё аҳолисининг учдан икки қисми “G 20” ҳиссасига тўғри келади. Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Хитой, Мексика, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, Жанубий Корея, Жанубий Африка Республикаси, Япония, Европа Иттифоқи унинг аъзоларидир.

Глобал дунё тартиботини белгиланган тартиблардан яна бири — Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)дир. 2015 йилда тузилган ушбу ташкилотда Ўзбекистон ҳам қузатувчи мақомига эга бўлди. Бу эса, табиийки, иқтисодий манфаатларимизга хизмат қилади. Натижада мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб, экспорт имкониятлари кенгайди. Бинобарин, янги технологиялар ва инвестицияларни жалб этиш, иқтисодий интеграцияни кенгайтириш, халқаро бозорда мулоқот ва рақобатга қодирлик даражаси ошади.

Ўткир муаммоларнинг оқилона ечими

Глобал дунё тартиботида халқаро ва глобал ноҳукумат ташкилотларининг ҳам мавқеи юксалиб бораёти. Йирик компаниялар, ишбилармон доиралар ўртасидаги муносабатларни муҳокама қилиб, битимлар тузишда энг юксак нуфузга эга шундай институтлардан бири — Бутунжаҳон иқтисодий форуми (БИФ)дир.

Хар йили Давосда ташкил этиладиган мажмуи Швейцария ноҳукумат ташкилоти учрашувига бизнес соҳаси етакчи мутахассислари, сиёсий лидерлар, таниқли мутафаккирлар ва журналистлар тақлиф этилади. Унда солиқни сақлаш ва атраф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ глобал муаммолар муҳокама қилинади.

1971 йилда тузилган Бутунжаҳон иқтисодий форумига дунёнинг турли мамлакатларидаги мингга яқин компания ва ташкилотлар аъзо. Қароргоҳи Женевда жойлашган. Асосчиси ва раҳбари швейцариялик профессор Клаус Шваб.

Унинг ташаббуси билан 1971 йилда Европанинг 450 та етакчи компанияси раҳбарлари жаҳон иқтисодиёти истикболларини муҳокама

Шу мақсадда “InterForum” давлат унитар корхонаси ташкил этилмоқда ва Ўзбекистонни глобаллашган халқаро бозорга уйғунлаштириш тадбирларини ўтказишга доир масалалар бўйича хорижий шериклар ва ишбилармон доиралар билан самарали мулоқотни ташкил қилиш янги ташкилотнинг вазифаси этиб белгиланган.

Айтиш жоизки, ушбу қарор ихросини таъминлаш мамлакатимизнинг глобаллашган бозорга уйғунлашишини жадаллаштиради ва халқаро майдондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Нуритдин Йўлдошев,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Менежмент кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

қилиш ва умумий стратегия ишлаб чиқиш учун биринчи симпозиумга йиғилган. Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан дунёнинг нуфузли ва обрўли одамлари (ҳукумат раҳбарлари ва бизнес етакчилари) тақлиф қилина бошланган.

Бутунжаҳон иқтисодий форумининг бош тадбири — хар йили январь ойи охири февраль бошида Швейцариянинг шарқда жойлашган Давос курорт-шаҳрида ўтказилади. Унда норасмий муҳитда иқтисодий ривожланиш истикболлари, дунёда барқарорликни мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади. Яқунда резолюциялар ёки бошқа ҳужжатлар қабул қилинмас-да, норасмий муҳитда бизнес бўйича шериклар топиш, улар билан битимлар тузиш имконияти яратиб берилади.

Шунингдек, халқаро ноҳукумат ташкилотлар сирасига 1984 йилда тузилган Халқаро тиббий хизмат, 1961 йилда асос солинган Таълимий ривожлантириш академияси, 1971 йилда ташкил этилган “Чегара билмас шифокорлар” халқаро тиббий гуманитар ташкилоти, 1995 йили таъсис этилган, юздан ортик мамлакатларда камбағаллик ва адолатсизлик муаммоларини ечиш билан шугулланувчи Оксфорд халқаро конфедерацияси, Халқаро миграция қўмитаси, Халқаро Олимпия қўмитаси ҳам қиради.

Ишбилармон доиралар билан самарали мулоқот

Мамлакатлараро савдонинг тартибга солишда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO)нинг ўрни салмоқли. Бу тузилма 1946 йилдан буюн электротехника ва электроникадан ташқари барча соҳада товарлар ва хизматларни стандартлаштириш билан шугулланади.

Айни пайтда бизнес ҳамжамияти 1990 йилларда пайдо бўлган икки муҳим иқтисодий ва технология тенденциялар таъсирида ривожланмоқда. Биринчиси — миллатлараро корпорацияларнинг ўсиши ва уларнинг миллий ҳукуматларга таъсири қучайиши бўлса, иккинчиси, миллатлараро корпорацияларнинг янги эҳтиёжларини қондириш мақсадида глобал ахборот-коммуникация технологияларидан интеграллашган усулда фойдаланишдир.

Глобал бозорда қузатилаётган ана шу тенденцияларни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 7 июнда “Конгресс-кўргазма тадбирларини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда ташкил этиш ва ўтказиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Унда халқаро конференциялар, кўргазмалар, ярмаркалар, форумлар ва бошқа тадбирларни сифатли ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатнинг хориждаги имижини янада юксалтириш, инвестиция, савдо-иқтисодий, дипломатик ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, ташқи иқтисодий, ташқи сиёсий, маданий-гуманитар ва бошқа фаолият турлари йўналишларини муҳокама қилиш учун ягона майдонча яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.




УРГАНЧДА

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛАДИ

ВА ЕР ОСТИ ЙЎЛИ ҚУРИЛАДИ



— Урганч шаҳри

марказида ўрнатилган ҳайкал буюк бобоимизнинг жасорати ва шону шавкатига мос маҳаббатли бўлиши, бу майдон давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Хоразмнинг “ташриф қоғози”га айланиши керак, — дейди “Ушбаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК директори Ғолиб Маждидов.

— Шаҳарнинг ал-Хоразмий ва Ислам Каримов кўчалари кесишмасида жойлашадиган ушбу майдон композициясининг асосини Жалолиддин Мангубердининг от устида турган ҳолати акс этган, баландлиги 25 метрлик ҳайкал ташкил қилади. Майдонга туташ ҳолда муҳташам санъат саройи барпо этилади. Ал-Хоразмий ҳайкали эса Паҳлавон Маҳмуд ҳамда Ислам Каримов кўчалари ораллиғидаги ҳибонда қад ростлайди ва марказий майдонга уйғун ҳолда яхлит ансамбль ҳосил қилади.

Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, шаҳарда транспорт воситалари тирбандлигининг олдини олиш мақсадида Жалолиддин Мангуберди ҳайкали ўрнатиладиган майдон

дон остидан ёпиқ қисми 260 метр, очиқ қисми 240 метр бўлган ер ости йўли барпо этилади. Кенглиги 17 метр, баландлиги 5 метр бўлган ушбу туннель соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қуваъига эга бўлади.

Таъкидлаш жоиз, ер ости автомобиль йўли қурилиши республикаимиз вилоятлари ичидан илк бор Хоразмда амалга оширилаётган. Жалолиддин Мангуберди ва ал-Хоразмий ҳайкаллари ўрнатиладиган мазкур ҳудуд 10 гектарни ташкил қилиб, бу майдонда кенг қўлама ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади. Бунёдкорлик ишлари шу ойда бошланиб, жорий йилнинг август ойида — мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида якунига етказилиши режалаштирилган.

Бунёд қилинадиган мажмуа хорижий сайёҳлар, кексаю ёш — барча ташриф буюрадиган, умумхалқ байрамлари, халқ сайиллари ўтказиладиган севимили масканга айланиши, шубҳасиз.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Роман-герман тиллари кафедраси:** кафедра мудири.
- Шарқ тиллари кафедраси:** кафедра мудири.
- Халқаро муносабатлар кафедраси:** кафедра мудири.
- Иқтисодиёт назарияси кафедраси:** кафедра мудири.
- Тизимли таҳлил ва менежмент кафедраси:** кафедра мудири.
- Халқаро муаммоларнинг амалий таҳлили кафедраси:** кафедра мудири.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий ваража, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзила қабул қилинади.

Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шохкўчаси, 54-уй.
E-mail: kadrilar_bulimi@uwed.uz
Телефон: 71-267-65-40.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази жамоаси марказ бош илмий ходими, техника фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Тўлқин БЕКМУРАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтнинг Факультет болалар хирургияси кафедраси доценти

Мирқамол ЖАЛОЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.



БУХОРОЛИКЛАР — КОНИГИЛ ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИДА

Самарқанд туманидаги Кониғил маҳалласи ҳудудида ташкил этилган илк “туризм қишлоғи” — сайёҳларнинг мириқиб дам олишлари, халқ амалий санъати турлари, миллий урф-одаглар, анъаналар билан яқиндан танишишлари учун намуна бўлса ариғидақ маскан.

Саёҳат

Зеро, Кониғил — Самарқанд қоғози, қуллоқ, дурадгорлик ва бошқа ҳунармандчилик анъаналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган ҳудуд ҳисобланади. Бу ерга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар қелишни асло қанда қилмаслиги боиси ҳам шунда.

Яқинда Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан бир ғуруҳ соҳа вакиллари ушбу

қишлоқда бўлди. Туризм қишлоғидаги оилавий меҳмон уйлари, дам олиш зоналари, миллий таомлар чойхонаси-ю, дунёга машҳур Самарқанд нонларини тайёрлаш бўйича маҳорат сабоқлари ўтказиладиган новъоян фаолияти, Сиёб анҳори бўйлаб сайр — барчаси бухороликларда катта таассурот қолдирди.

Кониғил туризм қишлоғига сафар уюштирилгани беҳиз эмас. Чунки бу саёҳат

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-қодишни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмазар тақриз қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайдан.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000,